



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 142 (12.955)

Баҳоси эркин нарҳда

ШҲТНИНГ УФА САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 9-10 июль кунлари Россия Федерациясининг Уфа шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 10 июль кунини бўлиб ўтди. ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, ШҲТни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти амалий мулоқот ва минтақавий ҳамда глобал муаммоларни самарали ҳал этиш учун қулай имконият экани таъкидланди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари мажлисини кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Унда кузатувчи давлатлар раҳбарлари, мулоқот бўйича шериклар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этди.

Президентимиз Ислон Каримов ўз нутқида тобора глобал тус олиб бораётган таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, ШҲТ фаолиятини кенгайтириш ва тақомиллаштириш масалалари бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди.

Шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда, хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг таъсири ва нуфузи ошиб бормоқда. Бу ШҲТга тўлақонли аъзо бўлиш, кузатувчилар ва мулоқот бўйича шериклар қаторига қўшилиш истагини билдирган давлатлар сафи кенгайиб бораётганида намоён бўлмоқда ва бу табиий жараёндир, деди Ислон Каримов.

ШҲТ Хартияси ва ташкилотнинг барча асосий ҳужжатларида мустақамланган ҳамда ШҲТ фаолияти бошқа давлатларга қарши йўналтирилмагани таъминлайдиган тамойилга қатъий амал қилиш ва уни янада мустақамлаш зарур.

Бошқача айтганда, Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ҳарбий-сиёсий альянсга айлантирмаслик, ШҲТни ташкил этишдан қўзланган мақсад ва принципларга содиқ қолиш ва уларни янада мустақамлаш даркор, деб таъкидлади Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини, унинг ягона йўли – донор мамлакатларнинг молиявий-иқтисодий ва гуманитар ёрдамида ва БМТнинг фаол иштирокида фақат тинч сиёсий музокара-лар ўтказиш, қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро келишувга эришиш эканини қайд этди.

Ўзбекистон қўшни сифатида Афғонистонга мунтазам ёрдам бериб келмоқда, транспорт коммуникацияларини барпо этиш, аҳолини электр энер-

гияси билан таъминлаш лойиҳаларини амалга оширмоқда, инсонпарварлик ёрдамини етказиб бермоқда.

Ўзбекистон Афғонистон билан муносабатларни миллий манфаатлардан келиб чиқиб, Афғонистон халқи танлаган йўлни ҳурмат қилган ҳолда давом эттирмоқда.

Маълумки, ШҲТга раислик Ўзбекистонга ўтди. Шу муносабат билан Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси ШҲТ ташкил топганининг 15 йиллиги нишонланганидан йилда ташкилотга раислик қилишдек масъулиятли вазифани зиммасига олаётганини ва бу, ўз навбатида, истиқболда кўзда тутилган режаларни муваффақиятли амалга оширишда умумий масъулиятни янада оширишини таъкидлади.

Ўзбекистон ташкилотга раис сифатида мавжуд анъаналарга амал қилиш, ШҲТга аъзо мамлакатлар манфаатларига мос келаётган ҳамкорликни изчил мустақамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш принципларига қатъий риоя этади.

Терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши биргалликда курашишни кучайтиришга доир чораларни ишлаб чиқиш, халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш, ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодиётини барқарор юксалтириш ва уларнинг ижтимоий тараққиётини таъминлаш ташкилот олдидаги долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Минтақда барқарорлик ва тараққиётнинг ишончли кафолати сифатида ШҲТ ролини янада мустақамлаш мақсадида унга аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, манфаатдор давлатлар билан муносабатларни изчил ривожлантириш чораларига алоҳида аҳамият берилди.

Ўзбекистон ШҲТга раислиги доирасида маданий-гуманитар, илм-фан ва таълим соҳаларида самарали минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратади, деб таъкидлади Ислон Каримов.

Саммит якунида Уфа декларацияси, ШҲТни 2025 йилгача ривожлантириш стратегияси ва 2016-2018 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури қабул қилинди. Хиндистон ва Покистонни ШҲТга қабул қилиш жараёнини бошлаш, Беларусь Республикасига кузатувчи, Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа, Непал давлатларига мулоқот бўйича шерик мақомини бериш бўйича қарорлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Уфа саммити доирасида 10 июль кунини Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди. Томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини атрофича муҳокама қилдилар.

Ислон Каримов кенг кўламли Ўзбекистон – Хитой муносабатлари икки давлат раҳбарларининг

дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган мулоқотлари негизида тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Хитой билан иқтисодиёт, транспорт коммуникациялари, таълим каби қатор соҳаларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўрта Осиё – Хитой газ қувури, Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линияси, Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани муваффақиятли ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридир.

Товар айирбошлаш ҳажми сўнгги 6 йилда 3 қарра ортгани эътиборга молик. 2008 йилда бу кўрсаткич 1,5 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 4,7 миллиард долларга етди.

Си Цзиньпин давлатимиз раҳбарини жорий йил март ойида бўлиб ўтган Президент сайловидаги ғалабаси билан яна бир бор табриклаб, Ўзбекистон халқи Ислон Каримов раҳбарлигида барча соҳаларда янада катта ютуқларни қўлга киритишига ишонч билдирди.

ХХР Раиси Хитой томони Ўзбекистонда тиббиёт, таълим ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш учун техник ёрдам сифатида 350 миллион юань миқдорида грант ажратганини маълум қилди.

Учрашувда ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шу кун Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Ушбу учрашув Ўзбекистон билан Россия ўртасида иттифоқчилик муносабатлари ўрнатилганининг 10 йиллигида ўтаётгани ҳамда ҳамкорликнинг барча устувор ва истиқболли йўналишлари бўйича фикр алмашиш учун қулай фурсат экани таъкидланди.

Президентлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Минтақавий хавфсизликка доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Россия ШҲТ ва МДҲ доирасида фаол ҳамкорлик қилаётгани қайд этилди.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири эканлиги таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бораётир. 2014 йилда бу борадаги кўрсаткич 6 миллиард доллардан ошган.

Владимир Путин Ислон Каримовни давлат таширифи билан Россия Федерациясига тақлиф этди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Уфа шаҳрига таширифи якунига етди.

Матназар ЭЛМУРДОВ,
Ўза махсус мухбири
Тошкент – Уфа – Тошкент.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Хабар қилинганидек, 10 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Парламент қўйи палатаси мажлисининг кун тартибига «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси иккинчи ўқишда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар киритилди.

Мажлис арафасида ана шу масалалар барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, шунингдек, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларидан иборат «Демократик кучлар блокин»нинг мажлисларида муҳокама қилинган эди. Хусусан, уларда депутатлар ўз сайловли дастурлари йўналишларидан келиб чиққан ҳолда «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

қонуни лойиҳаси бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар билдирдилар.

Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини модда-модда муҳокама қилишдан бошланди. Қонун лойиҳасининг мақсади аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ушбу соҳадаги муаммолар, бир қатор хорижий мамлакатларнинг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги тажрибаси ўрганилди.

(Давоми 2-бетда)

Аввал хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарориди белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга йўналтирилган устувор вазифаларнинг жорий йилнинг биринчи ярим йилидаги ижроси, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилиши, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2012 йил 18 апрелдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг ижроси кўриб чиқилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2014 йил якунлари ва 2015 йил биринчи чорак якунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги «2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси, муҳокама этилди.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан туманни ижти-

мой-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Сергели, Шайхонтохур, Юнусобод, Бектемир ва Олмазор туманлари ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди.

Сессияда «Кексаларни эъзозлаш йили» ҳудудий дастурида белгиланган вазифалар ижросини ҳар ўн беш кунда ўрганиб бориш, бу борада ижро интизомини мустақамлаш, ўзаро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш, бошқарувнинг барча бўғинларида тегишли мутасадди раҳбар ва мутахассисларнинг масъулиятини янада ошириш чоралари белгиланди.

Шунингдек, ҳудудий дастурда белгиланган 7 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази ҳамда 6 та маданият ва истироҳат боғларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш борасида қисқа муддатларда барча ташкилий ишларни амалга ошириш ва кўзда тутилган тадбирларни ўз муддатларида якунига етказиш чоралари кўриш лозимлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)



• Самарқандда «Шарқ тароналари» ўнинчи халқаро мусиқа фестивалига кўрилаётган тайёргарлик жараёнларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда фестивалга тайёргарлик доирасида Самарқанд шаҳрида меҳмонларни қутиб олиш ва уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, юқори сифатли замонавий хизматлар кўрсатишга кўрилаётган тайёргарлик, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди.

• Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида абитуриентлар давлат тест синовларини топширди. Жорий йилда қарийб 700 ёшнинг ҳужжат топширгани олий ҳарбий таълим муассасасида тахсил олиб, келажакда офицер сифатида эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилишни истаганлар сафи тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир.

• Самарқанд вилоятидаги қурилиш объектлари, корхона ва ташкилотларда ёзги таътилга чиққан олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларидан иборат «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари фаол иш олиб бормоқда. Айни пайтда вилоятнинг 1 минг 500 нафардан ортиқ ёшлари «Қамолот» ЁИХга аъзо бўлиб, турли ҳудудларда фаолият кўрсатмоқда.

• Хоразм вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий методик маркази, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи ўтказилди. Унда воҳанинг турли ёшдаги санъат соҳасида ижод қилаётган истеъдод соҳиблари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқларини таъниқли санъаткор ва тажрибали мутахассисларни ўз ичига қамраб олган нуфузли ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этишди.



• Хитой пойтахти Пекин шаҳри маъмурлари кеча шаҳарда ҳукм сураётган кучли жазирама туфайли пушти рангдаги иккинчи даражали хавфни эълон қилдилар. Яъни, шаҳардаги ҳаво ҳарорати Целсий бўйича 40 даражадан ортиб кетган. Пекин метеорология хизмати ҳароратнинг бунчалик кўтарилишига ёмғирлар ёғмаётганлигини сабаб қилиб кўрсатмоқда.

• Кеча Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрининг турли ҳудудларида амалга оширилган учта кучли портлаш натижасида камида 29 киши ҳалок бўлган, 80 дан ортиқ одам турли даражадаги тан жароҳатларини олган.

• Янги Зеландияда 13 июлдан бошлаб кибербуллинг (тармоқда кишини ҳақоратлаш) ва онлайн-троллингнинг жиноий жазо деб ҳисобланиши тўғрисидаги қонун кучга киради.

• Япониянинг Кюсю оролининг Кагосима музофотида «Фукусима-1» ҳалокатидан сўнг, ўз фаолиятини тиклаган дастлабки АЭС – «Сэндай»нинг биринчи реакторига ядро ёқилғисини юклаш бўйича ишлар бошланди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЎҚУВИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари ходимларининг касб маҳоратини ошириш, уларнинг медиа тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг сўз ва ахборот олиш эркинлиги, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда яратилган мустаҳкам қонунчилик асослари жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенгайтириш имкониятларидан халқимизни ўз вақтида хабардор этиб бориш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотдан фойдаланишини, аynиқса, давлат органлари фаолиятидан аҳолининг хабардорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақида жамоатчиликни мунтазам хабардор этиш, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг ахборотдан фойдаланиш имкониятларини тобора кенгайтиришнинг янги истиқболларини очиб берди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинган фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ таъминлаш имкониятини яратиб бергани билан бирга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлари сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам янада кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Семинар-тренинг давомида мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини иштирокчиларга кенгроқ тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Машгулотлар давомида давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари салоҳиятини юксалтириш, иш фаолиятини янада самарали йўлга қўйиш, жамият учун кўпроқ очиқликка эришиш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиқни таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернетнинг кенг имкониятларидан унумли фойдаланишга доир масалалар атрофича муҳокама этилди.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Кексаларни эъзозлаш йили» ҳудудий дастури чора-тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида туманлардан сайланган депутатлар, туманларга бириктирилган шаҳар комиссияси аъзоларининг ҳар ойда бир мартаба ўзларига бириктирилган туманларга чиқиб, шаҳар ҳудудий дастурининг бажарилишини ўрганишни ташкил қилиши, мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Тошкент шаҳар комиссиясига таклифлар киритиб борилиши кераклиги қайд этилди.

Сессияда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоабалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини сўзсиз таъминлаш, муқоабаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга уларнинг ариза ва шикоятлар, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар билан давлат органлари ва муассасаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига муқоабалар қилиш ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга оид масалалар атрофича кўриб чиқилди.

Ушбу Қонуннинг мақсад, мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш, жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш кунлари жадвалини давлат идораларининг расмий веб-сайтига ва давлат органлари жойлашган биноларда ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказишни йўлга қўйиш чоралари белгиланди.

Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2014 йил якуни ҳамда 2015 йилнинг биринчи чораги учун белгиланган вазифалар ижроси, иккинчи чорак ва йиллик даромад прогноз кўрсаткичларининг сифатли ижросини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Бундан ташқари сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий

тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2012 йил 18 апрелдаги шу йўналишдаги қарори ижроси кўриб чиқилди.

Аҳоли тинчлигига халал етказмаслик мақсадида тўй, маросим ва оилавий тадбирлар муносабати билан ресторанлар, кафедрлар, тўйхоналар, гузарлар, хусусий хонадонлар ва кўчаларда соат 23:00 дан 06:00 гача баланд овоз билан кўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналларини бериш, овоз чиқарувчи техника воситалари билан фойдаланиш ва шовқин қилиш мумкин эмаслиги белгиланганлиги таъкидланиб, тўй-ҳашам муносабати билан ке-

ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

лин-куёв ва уларнинг яқинлари шаҳар айланисинда йўл ҳаракати хавфсизлигига қатъий риоя этилишининг назоратга олиниши, тўй ва маросим эгаларига тадбирни ихчам, камҳарж ва дабдабасиз ўтказиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда жамоатчилик фикрини иноватга олмайдиغان фуқароларни маҳалла фуқаролар йиғинида муҳокама қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги «2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда аҳолининг бандлиги, турмуш даражаси ва даромадларини ўстириш, меҳнат бозоридида иш қучига бўлган талабни ошириш, иқтисодиёт тармоқларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш масаласи кўриб чиқилди.

Шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этишга йўналтирилган қўшимча дастурга асосан йил давомида яратилган янги иш ўринларининг манзилли рўйхатини шакллантириш учун маълумотлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бoshқармасига тақдим этилишини таъминлаш, ҳар ойда камиди бир марта иш

ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган дастурлар ва чора-тадбирлар ижросини танқидий ўрганиш, ушбу масалани туман ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар иштирокида муҳокама этиб бориш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш чораларини кўриш лозимлиги таъкидланди.

2014-2015 ўқув йилида касб-хунар коллежларини битирган 34910 нафар Тошкент шаҳрида доимий истиқомат қилувчи битирувчиларнинг иш жойларини олдиндан белгиланган қўйиш юзасидан уч томонлама шартномаларни имзолаш ишларини охирига етказиш ҳамда шартномаларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш; касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ишларини давом эттириш, жойлардаги коллежлар ва корхоналарда «Бўш иш ўринлари ярмаркалари» ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Шунингдек, 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш масаласи атрофича кўриб чиқилди.

2015 йилнинг 25 июлига қадар саралаш тест синовларидан ўта олмаган битирувчиларни иккинчи йўналиш бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ҳужжатларини топшириш ишларини уюшқорлик билан амалга ошириш, бунда битирувчиларнинг ўз ҳудудидаги қабул қилиш имкониятига эга бўлган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига жойлаштирилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Жорий йилнинг 1 августига қадар 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш ишларини тўлиқ яқунлаш вазифалари белгиланди.

Бундан ташқари сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясини тўзиш, Тошкент шаҳар Кенгашининг Регламентига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шаҳардаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш ҳамда Кенгаш ваколатига доир бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҲУНАРЛИ ЁШЛАР КЎПАЙМОҚДА

«Қамолот» ЁИХ Юнусобод тумани Кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» ўз фаолиятини 2008 йилда бошлаган.

«Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» томонидан «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида туман маҳаллалари ва тумандаги мактаблар қoшида ташкил этилган оромгоҳларда кўча тўғараклар ташкил этилди. Маҳаллаларда сектор асосида ёшларни тўғаракларга кенг жалб қилиш, мактаб оромгоҳларида эса оромгоҳда дам олувчи ёшларни тўғаракларга қамраб олиш йўлга қўйилган. Тўғаракларда тахсил олувчи ёшларнинг аксариятини кам таъминланган, бokuвчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ташкил этади.

— «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»да 6 та тўғарак жадал асосида иш олиб боради, — дейди ЁИХМ координатори Гулчехра Шоназарова. — «Компьютер саводхонлиги», «Чет тиллар», «Соғломлаштириш-ракс», «Ёш иходкорлар», «Тикувчилик», «Тўқувчилик» тўғараклари қисқа вақт давомида туман ёшларини ўзига қамраб олди ва уларнинг кўпчилигини касб ва малакага ўргатди. Жорий йилнинг июнь-июль ойлари давомида «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси ижроси юзасидан ёз мавсумида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандларини бепул ўқув курсларига жалб қилиш ҳамда маънавий ҳордиқ чиқаришларига катта эътибор қаратилди. Тумандаги мактаблар қoшидаги ёзги оромгоҳларда ва 58 та маҳаллаларда марказ тўғараклари ўқитувчилари томонидан «Тилларни ўрганиш», «Моҳир қўллар», «Соғломлаштириш-ракс» тўғараклари ташкил этилди. Мирзо Улуғбек, «Турон», «Матонат», «Юнусобод», «Хўснобод», «Ақбаробод», «Оқтепа», «Отчоплар-2», «Қашқар», «Минор» маҳаллалари шулар жумласидан. Бу тўғаракларда оромгоҳда дам олувчи ўқувчи-ёшлар ва маҳаллалардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож

оила фарзандлари ўз хоҳишлари билан мунтазам равишда тахсил оломоқдалар.

Чет тиллари ўқув курси томонидан туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар билан турли машқлар ёрдамида ўқувчиларга инглиз тили ҳақида маълумотлар берилмоқда. Маълум мавзулардан кейин тест синовлари ўтказилаётир.

Бисер ёрдамида матога безак бериш ва сунъий гуллар ясаш, бисер дарактлар, келинлар дўпписи ва шарфларини безатиш машқлари ёшлар ўртасида катта қизиқиш туғдирмоқда. «Тикувчилик» ва «Тўқувчилик» тўғаракларида ёшларимиз моделлаштириш, тикиш-би-чиш, моҳир қўлларнинг сирларидан хабардор бўлиш имкониятига эга бўлдилар. «Соғломлаштириш-ракс» тўғаракларида туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи 4 ёшдан юқори бўлган ёшлар рақсининг миллий ва эстрада йўналиши бўйича турли машқлар ўрганиб келмоқда. Ўқувчилар миллий, араб, турк ва хоразм лагзиси каби турли миллат рақсларини зўр иштиёқ билан ўрганишмоқда.

Ҳар бир тўғаракларда маҳалла ва оромгоҳ ёшларига билим ва сабоқ бериб келинётганини қувонарли ҳол. Барча туман ёшлари «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳасини зўр қизиқиш ва иштиёқ, мамнуният ила қабул қилмоқдалар. Лойиҳа ўз олдида қўйган мақсадидаги эришишни учун барча ЁИХМ ходимларидан — координатор Гулчехра Шоназарова, бисер тўғарига раҳбари Зулфия Қарабаева, рақс тўғарига раҳбари Гулрух Ишантаева, тикувчилик тўғарига раҳбари Муниса Тиллаева ва туман ёшлари астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса келажакда хунарли ёшлар сонининг ортишини таъминлайди.

Зиёда РАСУЛОВА

ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисида таъкидланганидек, илгари ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини 1992 йилда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонун ташкил қилар эди. Ушбу қонун, аввало, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати оширилишини, юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олди олинишини ҳамда санитария-эпидемиологик барқарорлиқни таъминлади.

Соҳада эришилган талай ижобий натижаларга қарамай, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурати юзага келди. «Аҳолининг санитария-эпидемиологик оқошталлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонунини қабул қилиш муҳим эканлиги айнан шу билан изоҳланади.

Таъкидлаш жоизки, янги қонун лойиҳаси соҳа ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, профилактик тадбирларни ўтказишда санитария нормалари ва қоидаларини татбиқ этиш, гигиена қоидаларига риоя этишнинг барқарор тизимини яратиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик оқошталлигини таъминлаш устидан давлат назоратини йўлга қўйиш билан бир қаторда ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кучайтириш ва фуқароларнинг масъулиятини ошириш билан боғлиқ устувор вазифаларни қамраб олади.

Жумладан, қонун лойиҳасида аҳолининг санитария-эпидемиологик оқошталлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан яқна тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жаобгарлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноҳижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари белгиланган.

Қонун лойиҳасида ер ўчаксизини танлашда, объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуришда, корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлашда техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқувчиларга, худудлар, ишчиотлар, биноларни сақлашга, қиммий ва биологик воситаларни зарарсизлантириш, утиллация қилиш ва қўйишга, озиқ-овқатларга, уларни ишлаб чиқаришга, ташинишга, меҳнат шaroитларига, касалликлар вужудга келиши ва тарқалишининг олдини олишга доир санитария-эпидемиологик талаблар аниқлаштирилган.

Мажлиси жараёнида таъкидландики, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда санитария-эпидемиологик оқошталлигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш комплекс тизимини мустаҳкамлашга, шунингдек, ишчи отуви органлар ва назорат қилувчи хизматлар томонидан самарали назоратни таъминлашга кўмаклашади.

Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. «Аҳолининг санитария-эпидемиологик оқошталлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида сайловчи дастурига қўйилган устувор йўналишларнинг ҳисобга олган ҳолда кенг муҳокама қилинди. — дея таъкидлади **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ш.Шарафуддинов**. — Унинг қабул қилинишини кўлаб-қувватлаган ҳолда, партиямиз электроти қўйибланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун инвестиция муҳити ва бизнес шарт-шaroитлари ёмонлашувига йўл қўймаслик муҳимлигини таъкидлаб ўтишни истардик. Шу маънода, қонун лойиҳасида фракциямиз аъзолари таклифлари билан юридик шахслар ва яқна тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик оқошталлиги соҳасидаги ҳуқуқлари, шу жумладан уларнинг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан санитария-гигиена ва эпидемиология қарши тадбирларни ишлаб чиқишдаги иштироки аниқ белгилан қўйилди.

— Фракциямиз ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилар экан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, ижтимоий ҳавфли касалликларни профилактика қилиш ва бартараф этишга қараф тизимини миллий, давлат дастурларини фаол амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор берди. — деди **Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси М.Гофурова**. — Шу нуқтаи назардан таъкидлаш лозимки, биз қонун лойиҳасининг янги қиммий моддалар, биологик воситалар, материаллар, полимер ва пластик моддалар, аттир-упа ва пардоз маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва ишлаб чиқаришга фақат токсикологик-гигиеник баҳолашдан кейин, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари рухсати билан йўл қўйиладиган қондасини кўлаб-қувватладик. Бу мамлакатимизда сифатсиз товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва материаллар кириб келиши ишончли тўсиқ яратиш имконини беради.

— Фракциямиз аъзолари мазкур қонун лойиҳаси аҳолининг санитария-эпидемиологик оқошталлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг комплекс тизимини мустаҳкамлашга кўмаклашади, шунингдек, ушбу соҳадаги ишлар ҳолатини назорат қилиш имконини беради деб ҳисоблайди, — деди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Б.Эшонкулов**. — Хусусан, фракциямиз таклифларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасида аҳолининг санитария-эпидемиологик оқошталлигини таъминлаш доирасида меҳнат шaroитларига нисбатан қўйиладиган санитария-эпидемиологик талаблар оидинлаштирилди. Бу мамлакатимизда тенг ва ижтимоий қўлай меҳнат шaroитларини яратиш, ҳар бир фуқаронинг касбий иш билан бандлиги масалаларини самарали ҳал этишга хизмат қилади ҳамда партиямиз сайловчи дастурига тўла мувофиқдир.

— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида фракциямиз уни такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсияларни илгари сурди, — деди **Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партияси фракцияси аъзоси М.Дадажўзева**. — Партиямиз сайловчи дастурининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, биз қонун лойиҳасида профилактика ишларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби билан боғлиқ масалалар ечими ақс эттирилганлигини кўлаб-қувватлаймиз. Бизнинг тақлифимиз билан қонун лойиҳаси махсус модда билан тўлдирилиб, унда фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш, уларнинг гигиенага, соғлом турмуш тарзига, соғлиқни сақлашга доир билим, қўнимка ва малакаларни эгаллашга қаратилган нормалар ўз ифодасини топти.

— Қонун лойиҳаси ривожланишининг ҳозирги даражасини ва атроф-муҳит омилларининг салбий таъсири билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ҳал этиш учун қўйиладиган талабларни иноватга олган ҳолда аҳолининг санитария-эпидемиологик оқошталлигини таъминлашга қаратилган, — дея таъкидлади **Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг аъзоси К.Жуманиёзов**. — Ҳозирги вақтда атроф-муҳит ва инсон соғлигини муҳофаза қилиш нафақат давлатнинг, балки жамиятнинг, ҳар бир фуқаронинг ишга айланмоқда. Бу Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг дастурий вазифасига мос келади. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур қонун лойиҳаси депутатлар гуруҳимиз томонидан тўла кўлаб-қувватланади.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида давом эттирилади. **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**



Бугунги ёшлар ахборот технологияларини мукамал ўрганмоқда.
Темура Мамадаинов олган сурат

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан, Тошкент Ахборот технологиялари университетида 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб магистратура бўлими очилган. Ўтган йиллар ичида университетда 1982 дан ортиқ малакали кадрлар тайёрланиб, магистр даражасига эга бўлдилар.

Таълим

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛанади

Магистр — бу кенг илмга эга бўлган, замонавий ахборот технологиялари билан ҳамнафас, илмий тадқиқот ишларида тайёр бўлган мутахассисдир. Университетда магистрларга билим бериш борасида юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш асосий мақсад қилиб олинган.

Ушбу йил ҳам анъанани давом эттирган ҳолда, магистрларга диплом топириш ва уларни келажак сари мустақил ҳаётга кузатиш маросими ўтказилди.

Айтиб ўтиш жоизки, 2015 йилда 5 та мутахассислик бўйича 152 нафар магистрлар диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, магистр даражасига эга бўлишди.

Университетда талабаларнинг билим олишлари ва илмий фаолият олиб боришлари учун ҳамма имкониятлар яратилган. Бугунги кунда катта фондга эга бўлган ахборот-ресурс маркази, виртуал лаборатория ишлари ва маъруза матнлари билан бойитилган электрон кутубхона магистрлар хизматига. Бундан ташқари интернет тизимидан кенг фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган. Магистрлар хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртиларида ҳам малакаларини ошириб келмоқдалар.

Бу йилги битирувчиларнинг магистрлик диссертациялари юқори даражада тайёрланган-

лиги Давлат аттестацияси комиссияси томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди. Аynиқса, 30 га яқин магистрлик диссертацияларининг чет тилларида ҳимоя қилинганлиги эътиборга сезилмоқда.

ТАТУ магистратураси мутахассислар тайёрлашда республика ҳудудида жойлашган хорижий компаниялар, фирмалар ва банкларнинг филиаллари билан ҳамкорлик қилади. Улар қаторига Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда «Ўзбек-телеком» АК, «Матбуот тарқатувчи», «Ўзбекистон почтаси», «Билайн», «Ист телеком» ва бошқа бир қатор компания ва ташкилотлар киради.

Келажакда янада юқори малакали магистрлар тайёрлаш мақсадида хорижий мамлакатлар университетлари профессорларини, жумладан, Хиндистон, Малайзия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатлардан етук мутахассисларни таклиф этиш режалаштирилган. Ишонимизки, бугун университетни муваффақиятли тугаллаган магистрлар келгусида республикамиз алоҳида ва ахборотлаштириш соҳасининг янада ривожланиши учун ўз улушларини қўшади.

Шоира МУХАМЕДОВА

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Президентимизнинг шу йил 14 апрелдаги «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кексаларга муносиб турмуш шароити яратиш, уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим дастуруламал бўлаётир.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган «Фарзандлик бурчим» лойиҳаси ёши улуг инсонлар, меҳнат fronti фахрийлари сабоқларидан ёшларни кенг баҳраманд этиш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Харакатнинг Тошкент шаҳар бўлими фаоллари Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Олтин топан», «Рохат», Зилола маҳалларида истикомат қилувчи кексалар ҳолидан хабар олди.

Ёши улугларни қадрлаш, уларнинг Ватан равнақи учун кўрсатган фидойиликларига муносиб ҳурмат кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардан. Кекса отахон ва онахонлар хонадонларимиз файз фароити, рўзгоримизнинг баракаси, деймиз. Зеро, миллий анъана ва қадриятлар бардавомлигини таъминлашда нуронийларнинг ўғит-насихатлари муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур лойиҳа доирасида Тошкент шаҳридаги уч мингдан зиёд уруш ва меҳнат фахрийси ҳамда ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинаётир. Бу жараёнга талабалар ва фаол ўқувчилардан ташкил этилган беш юзга яқин тарғибот гуруҳига беш мингдан ортиқ йигит-қиз жалб этилган. Улар кексаларнинг уй-жойини тартибга келтириш, маиший шароитларини яхшилаш, кўча-кўй, ариқларни тозалашга эътибор қаратмоқда.

— Тинч, обод юртда яшаш, фарзандларимиз ҳамда юртдошларимиздан меҳр-муҳаббат, ҳурмат-иззат кўриш бизни янада қувонтирмоқда, — дейди «Рохат» маҳалласида истикомат қилувчи Наби ота Хожиматов. — Кексалар қадрланаётган, келажак авлодга ғамхўрлик кўрсатилаётган мана шу кунларга етказганга шукр. Доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, фарзандларимиз соғ-омон бўлсин.

Лойиҳа доирасида отахон ва онахонлар ёшларга юрт равнақи ва эл фаровонлиги учун меҳнат қилиш зарурлиги, истиқлол шарофати ва саодати ҳақида ўғит-лар бериб, ўз ҳаётий тажрибаларидан сўзлашди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

Ёшлар — келажакимиз

Ёшларимиз Ватанимиз келажак, юрт равнақи пойдевори ҳисобланади. Шу боис уларнинг ҳар томонлама билимли, доно, соғлом — бир сўз билан айтганда етук, мукаммал инсон бўлиб вояга етишлари учун Президентимиз раҳнамолигида барча шароитлар яратилмоқда. Ўз навбатида ёшлар ҳам бу имкониятлардан фойдаланган ҳолда иқтидорларини намоён этмоқдалар.

Ўша кун қуёш ҳали тикка эди. Ёзининг иссиқ ҳарорати авжи билинадиган пайт, соат тўртлар чамаси. Ўзбекистон Бадий академияси атрофи ҳар қанонгидан гавжум. Кўпчиликнинг қўлида гул. Ҳамма бир томонга — Қамолитдин Бехзод номли мемориал бог музейи томон шошилмоқда. Қамини ҳам улардан ортда қолмай қўшилди. Лиллапоялардан кўтарилиб ичкари кирди. Биринчи келишим, одамлар гавжум бўлса-да, атрофдаги тароват сезиларли. Бу ерга тўплаган коллеж талабаларининг ҳам, ота-оналарининг ҳам юзларида қувонч, қалбларида ҳаяжон.

Боиси республика рассомлик коллежи ўқувчиларининг «Ранглар сеҳри» кўргазмаси биринчи маротаба ташкил этилмоқда. Нафақат ота-оналар, талабалар, балки ўқувчиларнинг ҳам чексиз раҳбариди мамнуликни сезиш қийин эмас. Айниқса катта ўқитувчи Акбарали Тошмамовнинг ҳолати ўзгача. Ўстоз учун шоғирдлари ютуғини, тасвирий санъатга меҳрини «қўз-қўз» қилиш қанчалик бахт. Бундан ташқари кўргазмага ўзининг ҳам бир неча асари қўйилган. Акбарали ака шу бахт наҳидасини юракдан ҳис қиларди. Ўз фаолиятини саксонинчи йилларда Андижон педагогика билим юртида бошлаган санъат ихлосманди кейинчалик халқ таълими бўлимида услубчи вазифасида ишлади.

Йигирма биринчи аср бошларидан эса Ўзбекистон Бадий академияси республика рассомлик коллежининг бўлим бошлиғи ва мутахассислик фани бўйича ўқитувчилик қилди, 2012 йилдан эътиборан «Либос рангасвири» кафедрасини бошқармоқда. Унинг ушбу соҳага қўшаётган ҳиссаси ва тайёрлаётган кадрлари маҳорати туфайли санъат оламида муносиб ўринга эга, «Тасвирий ва амалий санъат» фестивалидаги фаол иштироки учун дипломга сазовор бўлган беш нафар ўқувчилари кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритиб, грант соҳиби бўлишган.

Ниҳоят залга соқинлик чўкди. Таъбирнинг расмий қисми бошланди. Халқ рассоми Акмал Нур ва коллеж директори Умид Ҳакимов кўргазмада ўз асарлари билан қатнашаётган ўқувчиларга диплом топширишди. Умид билан санъат оламига қадам қўётганларга омадлар тилашди. Шундан сўнг барча иккинчи қаватга кўтарилди. Бу ер бамисоли гўзаллик салтанатига айланган эди. Бир-биридан гўзал картиналар, улардаги ранглар жилоси қўзни олгудек. Бошқалар қатори мен ҳам томоша қила бошладим.

... Кўз олдимда қиш манзараси. Атроф соқин. Титраб турган даракт шохларида қор. Нариди болалар қорбўрон



Саркар Уриқов олинган сурат

САНЪАТГА ОШНО ҚАЛБЛАР

ўйнашарди, осмоннинг «қовоғи солиқ». Шу дам ўзимни киш бағрига сингандек ҳис қилдим, ранглардан ўз ўрнида фойдаланиш. Асар Нодирабегим Олимованинг қаламига мансуб.

Галдаги асарга боқаман. Бог. Бир томонда очилган гуллар, ранглар камаладек жиллалади. Бир тараф ашилик. Дарактлар сарин елдан тебранапти гўё. Ўриндиқда ўтирган қизларнинг қўлида китоб. Улар сўлим богда дарс қилишмоқда. Мадинахон Жалилованинг «Коллеж боғи» номли ушбу картинасида ўқувчиларнинг билим даргоҳига меҳри ўз ифодасини топган.

— Манавини қаранг, жуда ўхшатибди, — дейди ёнимдаги аёл шеригига. — Қуранимиз икки қаватли шайхнинг қўрғани яна ҳам очилди. Роса ўхшатибди.

Суратнинг тағсўзини ўқийман, Лазиза Холматова «Қуранлар».

Шу зайл ҳамма томоша қилар, баъзилар картиналар ёнида суратга тушар, бошқалар қўл телефонига расмга туширади. Айниқса ота-оналар, бувиқонлар фарзандлари, набираларининг санъат оламидаги илк иход намуналаридан чексиз ҳурсандликларидан уларни қайта-қайта бағирларига босадилар, гўлдасталар туттишарди.

Ўстоз Акбарали Тошмамовнинг кўргазмадаги «Фаллаоролда куз», «Ба-

ҳор», Шохидат Эгамбердиевнинг «Регистон», «Гулдаста», Мадина Зиёвдидинованинг «Куз саховати», Комила Жалилованинг «Хотира майдони», Нозима Болтабоевнинг «Қишлоғим» каби ўнлаб асарлари борки, уларнинг ёнида бир зум тўтамасдан ўтиб кетолмайси.

Чиндан ҳам бу ерни гўзаллик салтанати менгадир. Ўқувчилар ва ўстозлар қўларидан, кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдорлик туйғуларини ўқидим. Бошқалар қатори зални икки-уч бора айланиб, ташқарига чиқдим.

— Набирам Лазизахоннинг «Самарқанд», «Батик» картиналарини қўриб, роса севиндим, — деди ўзини Озода Холматова, дея таништирган аёл. — Ўстозларига ҳам, кўргазма ташкилотчиларига ҳам минг раҳмат.

Ташқарига чиқарканман бундай туйғуни барча ота-оналар хечрасида қўриш қийин эмасди. Бир гуруҳ талабалар эса қувончларини ўстозлари Акбарали ака билан баҳам қўришмоқда. Ўстоз ҳам беҳад миннатдор. Чунки меҳнатлари меваси гўзалликдан қўпчилик завқ олди. Зеро, одамларга завқ улашиш, санъатга ошно қила олиш катта бахт-дир.

Муқаддас АБДУСАМАНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдолариға таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2015 йил 28 июль куні соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибда ўтказиладиган

очик аукцион савдосига қуйидаги қўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Миробод туман СИБ томонидан, 2015 йил 23 февраль кунги ЖСХ-1-48-957-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли қўч.:

- 2-й, 1-хонадон, ум. майдони 105,78 кв.м. Бошланғич нархи 255 185 884 сўм.
- 2-й, 3-хонадон, ум. майдони 112,06 кв.м. Бошланғич нархи 270 335 888 сўм.
- 2-й, 9-хонадон, ум. майдони 108,46 кв.м. Бошланғич нархи 250 159 393 сўм.
- 2-й, 10-хонадон, ум. майдони 127,88 кв.м. Бошланғич нархи 294 950 979 сўм.
- 2-й, 11-хонадон, ум. майдони 190,04 кв.м. Бошланғич нархи 458 456 471 сўм.
- 2-й, 12-хонадон, ум. майдони 200,88 кв.м. Бошланғич нархи 484 607 113 сўм.
- 2-й, 13-хонадон, ум. майдони 200,88 кв.м. Бошланғич нархи 484 607 113 сўм.
- 2-й, 14-хонадон, ум. майдони 200,88 кв.м. Бошланғич нархи 463 323 059 сўм.
- 2-й, 15-хонадон, ум. майдони 193,69 кв.м. Бошланғич нархи 446 739 562 сўм.
- 2/1-й, 1-хонадон, ум. майдони 190,04 кв.м. Бошланғич нархи 467 118 460 сўм.
- 2/1-й, 2-хонадон, ум. майдони 200,88 кв.м. Бошланғич нархи 493 763 188 сўм.
- 2/1-й, 3-хонадон, ум. майдони 200,88 кв.м. Бошланғич нархи 482 239 956 сўм.
- 2/1-й, 4-хонадон, ум. майдони 200,88 кв.м. Бошланғич нархи 472 479 134 сўм.
- 2/1-й, 5-хонадон, ум. майдони 193,69 кв.м. Бошланғич нархи 455 567 918 сўм.
- 2/1-й, 7-хонадон, ум. майдони 105,78 кв.м. Бошланғич нархи 260 007 318 сўм.
- 2/1-й, 12-хонадон, ум. майдони 133,97 кв.м. Бошланғич нархи 472 479 134 сўм.
- 2/1-й, 14-хонадон, ум. майдони 133,86 кв.м. Бошланғич нархи 314 844 966 сўм.
- 2/1-й, 15-хонадон, ум. майдони 111,95 кв.м. Бошланғич нархи 263 311 624 сўм.
- 2/2-й, 1-хонадон, ум. майдони 190,04 кв.м. Бошланғич нархи 460 679 498 сўм.
- 2/2-й, 2-хонадон, ум. майдони 200,88 кв.м. Бошланғич нархи 493 763 188 сўм.
- 2/2-й, 3-хонадон, ум. майдони 200,88 кв.м. Бошланғич нархи 482 239 956 сўм.
- 2/2-й, 4-хонадон, ум. майдони 200,88 кв.м. Бошланғич нархи 472 479 134 сўм.
- 2/2-й, 5-хонадон, ум. майдони 193,69 кв.м. Бошланғич нархи 455 567 918 сўм.
- 4-й, 6-хонадон, ум. майдони 130,37 кв.м. Бошланғич нархи 320 449 556 сўм.
- 4-й, 7-хонадон, ум. майдони 105,78 кв.м. Бошланғич нархи 260 007 318 сўм.
- 4-й, 8-хонадон, ум. майдони 133,97 кв.м. Бошланғич нархи 329 298 359 сўм.
- 4-й, 12-хонадон, ум. майдони 133,97 кв.м. Бошланғич нархи 315 103 691 сўм.
- 4-й, 14-хонадон, ум. майдони 133,97 кв.м. Бошланғич нархи 314 844 966 сўм.

- 4-й, 15-хонадон, ум. майдони 111,95 кв.м. Бошланғич нархи 263 311 624 сўм.
 - 4/1-й, 1-хонадон, ум. майдони 105,78 кв.м. Бошланғич нархи 248 466 286 сўм.
 - 4/1-й, 2-хонадон, ум. майдони 130,37 кв.м. Бошланғич нархи 306 225 654 сўм.
 - 4/1-й, 3-хонадон, ум. майдони 112,06 кв.м. Бошланғич нархи 251 344 143 сўм.
 - 4/1-й, 6-хонадон, ум. майдони 133,97 кв.м. Бошланғич нархи 300 487 015 сўм.
 - 4/1-й, 7-хонадон, ум. майдони 112,06 кв.м. Бошланғич нархи 251 344 143 сўм.
 - 4/1-й, 8-хонадон, ум. майдони 133,97 кв.м. Бошланғич нархи 300 487 015 сўм.
 - 4/1-й, 9-хонадон, ум. майдони 108,96 кв.м. Бошланғич нархи 244 391 021 сўм.
 - 4/1-й, 10-хонадон, ум. майдони 127,88 кв.м. Бошланғич нархи 286 827 495 сўм.
 - 6-й, 1-хонадон, ум. майдони 106,54 кв.м. Бошланғич нархи 248 456 932 сўм.
 - 6-й, 2-хонадон, ум. майдони 83,39 кв.м. Бошланғич нархи 194 469 904 сўм.
 - 6-й, 4-хонадон, ум. майдони 86,82 кв.м. Бошланғич нархи 193 269 913 сўм.
 - 6-й, 8-хонадон, ум. майдони 86,82 кв.м. Бошланғич нархи 193 269 913 сўм.
 - 6-й, 9-хонадон, ум. майдони 109,22 кв.м. Бошланғич нархи 243 134 530 сўм.
 - 6-й, 10-хонадон, ум. майдони 83,39 кв.м. Бошланғич нархи 185 634 394 сўм.
 - 6/1-й, 1-хонадон, ум. майдони 106,54 кв.м. Бошланғич нархи 248 456 932 сўм.
 - 6/1-й, 4-хонадон, ум. майдони 86,82 кв.м. Бошланғич нархи 202 468 846 сўм.
 - 6/1-й, 9-хонадон, ум. майдони 109,22 кв.м. Бошланғич нархи 243 134 530 сўм.
 - 6/1-й, 10-хонадон, ум. майдони 83,39 кв.м. Бошланғич нархи 185 634 394 сўм.
 - 6/2-й, 1-хонадон, ум. майдони 190,04 кв.м. Бошланғич нархи 442 513 726 сўм.
 - 8-й, 1-хонадон, ум. майдони 190,04 кв.м. Бошланғич нархи 442 513 726 сўм.
 - 8-й, 4-хонадон, ум. майдони 200,88 кв.м. Бошланғич нархи 446 470 931 сўм.
 - 8-й, 5-хонадон, ум. майдони 193,69 кв.м. Бошланғич нархи 430 490 614 сўм.
- II. Миробод туман СИБ томонидан, 2015 йил 23 февраль кунги ЖСХ-1-48-957-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент ш., Кичик Бешбўғ қўч.:**
- 72-й, 1-хонадон, ум. майдони 197,17 кв.м. Бошланғич нархи 474 656 870 сўм.
 - 72-й, 12-хонадон, ум. майдони 169,48 кв.м. Бошланғич нархи 410 185 847 сўм.
 - 72-й, 17-хонадон, ум. майдони 199,73 кв.м. Бошланғич нархи 472 693 347 сўм.
 - 72-й, 18-хонадон, ум. майдони 216,90 кв.м. Бошланғич нархи 513 328 929 сўм.
 - 72-й, 19-хонадон, ум. майдони 211,34 кв.м. Бошланғич нархи 500 170 290 сўм.

- 72-й, 20-хонадон, ум. майдони 169,48 кв.м. Бошланғич нархи 401 101 830 сўм.
- 72-й, 21-хонадон, ум. майдони 199,73 кв.м. Бошланғич нархи 470 938 364 сўм.
- 72-й, 22-хонадон, ум. майдони 216,90 кв.м. Бошланғич нархи 511 423 077 сўм.
- 72-й, 23-хонадон, ум. майдони 211,34 кв.м. Бошланғич нархи 498 313 292 сўм.
- 72-й, 24-хонадон, ум. майдони 169,48 кв.м. Бошланғич нархи 399 612 647 сўм.
- 72-й, 25-хонадон, ум. майдони 317,44 кв.м. Бошланғич нархи 748 483 824 сўм.
- 72-й, 26-хонадон, ум. майдони 292,71 кв.м. Бошланғич нархи 690 173 577 сўм.
- 74-й, 25-хонадон, ум. майдони 69,21 кв.м. Бошланғич нархи 139 838 399 сўм.

III. Миробод туман СИБ томонидан, 2015 йил 23 февраль кунги ЖСХ-1-48-957-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент ш., Нукус қўч.:

- 72/2-й, 13-хонадон, ум. майдони 168,90 кв.м. Бошланғич нархи 375 467 616 сўм.
- 72/2-й, 14-хонадон, ум. майдони 166,69 кв.м. Бошланғич нархи 370 554 748 сўм.
- 72/2-й, 24-хонадон, ум. майдони 169,10 кв.м. Бошланғич нархи 375 912 220 сўм.
- 72/2-й, 26-хонадон, ум. майдони 169,10 кв.м. Бошланғич нархи 375 912 220 сўм.
- 72/2-й, 27-хонадон, ум. майдони 166,69 кв.м. Бошланғич нархи 370 554 748 сўм.
- 72/2-й, 28-хонадон, ум. майдони 168,90 кв.м. Бошланғич нархи 375 467 616 сўм.
- 91/1-й, 2-хонадон, ум. майдони 214,34 кв.м. Бошланғич нархи 466 229 756 сўм.
- 91/1-й, 3-хонадон, ум. майдони 208,78 кв.м. Бошланғич нархи 468 361 355 сўм.
- 91/1-й, 7-хонадон, ум. майдони 211,34 кв.м. Бошланғич нархи 474 104 266 сўм.
- 91/1-й, 15-хонадон, ум. майдони 211,34 кв.м. Бошланғич нархи 459 704 192 сўм.
- 91/1-й, 19-хонадон, ум. майдони 211,34 кв.м. Бошланғич нархи 459 704 192 сўм.
- 91/1-й, 21-хонадон, ум. майдони 199,73 кв.м. Бошланғич нархи 434 450 262 сўм.
- 91/1-й, 22-хонадон, ум. майдони 216,90 кв.м. Бошланғич нархи 471 798 236 сўм.
- 91/1-й, 23-хонадон, ум. майдони 211,34 кв.м. Бошланғич нархи 459 704 192 сўм.
- 91/1-й, 24-хонадон, ум. майдони 169,48 кв.м. Бошланғич нархи 368 650 830 сўм.
- 91/2-й, 16-хонадон, ум. майдони 122,76 кв.м. Бошланғич нархи 273 711 722 сўм.

Юқоридаги қўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар қўчмас мулк бошланғич нархининг 40% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбўғи қўч., 18-й. Телефон: 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

